

Ўн бешинчи асрнинг саксонинчи йилларида Андижонда турган Мухаммад Амин Султон ибн Наврӯз Ахмадхоннинг мактубидан: «...сониян ул хазрат замирига равшан бўлгайки, агар биргалашиб олди олинмаса, кадим замонлардан бери бутун дунё хаваси ва хасадини кўзгаб келган Мовароуннахр аслида бир аждод авлодлари бўлмиш ога-инилар ва кариндошлар ўртасидаги низо-хунрезликлар туфайли хароб бўлгусидир. Агар низолар кучайгудек бўлса, афсус ва надоматлар фойда бермагай. Ул хазрат бандаларидан садокатли дўст сифатида илтимосимиз шулки, саъй-гайрат кўргузиб, низо-адоват ога-иниларининг дўстлиги ва иноклиги, мусулмонлар орасида осойишталик ва фаровонлик мубаддал бўлса..., мулозимлар орасида энг мартабали ва содик дўстимиз, кадим мухлисимиз яна сизга мухим ишлардан сўзлаб берур...» (Бадриддин ибн Абдуссалом Кашмирий, «Равзатур-ризвон ва хадикат ул-иймон», кўлёзма, ЎРФАШИ кутубхонаси).